

«JAHON SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н И

Андижон шаҳри
Найман кўчаси 69 уй

2023 йил 6 май.
соат 11.00

Акциядорлик жамиятининг жами акциялари сони 1 650 000 дона
Акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга акциялари сони 1 650 000 дона.

Йиғилишда 1376562 та овозга эга 6 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилиш ваколоти 83,42 фоиз.

Й И Ё И Л И Ш Х А Й Ў А Т И.

1. Абдуолимов Б. – Кузатув кенгаши раиси

К У Н Т А Р Т И Б И

1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи.
2. Жамият бошқарувининг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текшируви ҳулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фойда тақсимотини тасдиқлаш.
7. 2023 йил учун жамият Бизнес режасини тасдиқлаш.
8. 2022 йил учун жамият аудиторини танлаш ва максимал хизмат ҳақини белгилаш.
9. Жамиятнинг ўрни бўшаб қолган жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлов.
10. Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимитни мустакил баҳолаш натижалари тўғрисида .

Санок комиссияси таркиби

1. Каюмов Хикматилло – жамият ходими
2. Бокиев Мухсинжон – жамият ходимлар бўлими бошлиғи
3. Усмонов Саркорбек – жамият ходими

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан йиғилиш раиси Абдуолимов Б. сўз олиб, 2022 йил давомида жамият Кузатув кенгаши томонидан олиб борилган ишлар, қабул қилинган қарорлар билан йиғилганларни таништирди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Ўқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.



Кун тартибидаги 2 - масала юзасидан сўз жамият бошқарув раиси Ш.Кодировга берилди. У йиғилганларга жамият бошқаруви томонидан 2022 йилда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар юзасида ахборот берди. (Бошқарув раиси маърузаси илова қилинади)

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият бошқарувининг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 3, 4 ва 5 масалалар юзасидан жамият бош ҳисобчиси сўз олиб, 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. 2022 йил давомида жамиятнинг хўжалик молиявий фаолияти “Аудит Алфа” МЧЖ томонидан аудитор текшируви ўтказилганлиги ва ижобий хулоса берилганлигини айтиб йиғилганларни аудитор томонидан берилган хулоса билан таништирди. (Аудитор хулосаси нусхаси илова қилинади.)

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Шундан сўнг маърузачи кун тартибидаги 4-масалага ўтди ва йиғилганларни жамият тафтиш комиссияси хулосаси билан таништирди. (Тафтиш комиссияси хулосаси илова қилинади).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси йиғилганларни 2022 йил якуни бўйича тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар билан таништирди. Ушбу бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботларини тўғрилиги “Аудит Алфа” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлигини айтиб ўтди. (2022 йил учун тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.



Кун тартибидаги 6 – масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Абдуолимов сўз олиб, жамият 2022 йил якуни бўйича 768 262 000 сўм соф фойда олганини ушбу фойда “Аудит Алфа” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлиги хақида гапириб кузатув кенгаши ушбу соф фойдани қуйидагича тақсимлаш яъни:

1. 591 525 000 сўми ёки соф фойданинг 77 % акциядорларга дивиденд қилиб беришни бунда ҳар бир акцияга 358,5 сўмдан дивиденд ёзишни;

2. 76 862 940 сўми ёки соф фойдани 10% жамиятда қилинадиган хомийликларга;

3. 61 460 960 сўми ёки соф фойдани 8%жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбарлантиришга;

4. 38 413 100 сўми ёки соф фойдани 5% жамият Бошқарув аъзоларини рағбарлантиришга йуналтиришни умумий йиғилишга тавсия қилганлигини айтди. Шунингдек кузатув кенгаши раиси 2022 йил 30 декабрда қабул қилинган “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тугрисида”ги № 813 қонуннинг 9 хат бошида Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига қирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши белгиланганлиги шунга асосланиб фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифини киритди;

1. 384 450 000 сўми ёки соф фойданинг 50 % акциядорларга дивиденд қилиб беришни яъни ҳар бир акцияга 233 сўмдан дивиденд беришга;

2. 76 862 000 сўми ёки соф фойдани 10% жамиятда қилинадиган хомийликларга;

3. 207 075 940 суми ёки соф фойданинг 27 % жамият ишчи-ҳодимларини рағбарлантиришга;

4. 61 460 960 сўми ёки соф фойдани 8%жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбарлантиришга;

5. 38 413 100 сўми ёки соф фойдани 5% жамият Бошқарув аъзоларини рағбарлантиришга йуналтириш таклифини киритди.

Ушбу масала юзасидан сузга чиққан йирик акциядор вакили С.Мамуров соф фойдани булиш масаласи кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинганлиги уни узгартириб булмаслигини айтди. Бу эътирозга Б.Абдуолимов уни айнан тавсия эканлиги жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий орган эканлигини инобатга олиб тавсияни узгартиришга ҳақли эканлигини гапирди. Шунингдек бошқарув учун ажратилган рағбарлантириш пулларини тақсимлашни жамият бошқарувининг узига топширишни таклиф қилди.

Шундан сунг йирик акциядор вакили С.Мамуров соф фойда тақсимоти қуйидагича тақсимлаш таклифини киритди:

1. 499 950 000 сўми ёки соф фойданинг 65 % акциядорларга дивиденд қилиб беришни яъни ҳар бир акцияга 303 сўмдан дивиденд беришга;

2. 76 862 000 сўми ёки соф фойдани 10% жамиятда қилинадиган хомийликларга;

3. 91 575 940 суми ёки соф фойданинг 12 % жамиятнинг кам таъминланган эҳтёжманд ишчи-ҳодимларини рағбарлантиришга;

4. 61 460 960 сўми ёки соф фойдани 8%жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбарлантиришга;

5. 38 413 100 сўми ёки соф фойдани 5% жамият Бошқарув аъзоларини рағбарлантиришга йуналтириш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан қулларга тарқатилган бюллетенларда ушбу масала юзасидан ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2022 йил якуни буйича олинган 768 262 000 сум соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

1. 384 450 000 сўми ёки соф фойданинг 50 % акциядорларга дивиденд қилиб беришни яъни ҳар бир акцияга 233 сўмдан дивиденд беришга;

2. 76 862 000 сўми ёки соф фойдани 10% жамиятда қилинадиган хомийликларга;

3. 207 075 940 суми ёки соф фойданинг 27 % жамият ишчи-ҳодимларини рағбарлантиришга (Жамият ишчи ҳодимларини рағбарлантириш буйича тақсимот бошқарувга юклатилсин);

4. 61 460 960 сўми ёки соф фойдани 8% жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбарлантиришга;

5. 38 413 100 сўми ёки соф фойдани 5% жамият Бошқарув аъзоларини рағбарлантиришга йуналтирилсин. (Жамият бошқарув аъзоларини рағбарлантириш буйича тақсимот бошқарувга юклатилсин).

Ёқлаб:- 1376562 дон ақциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 7-масала юзасидан сўзни жамият Кузатув кенгаши раиси олиб жамият бошқаруви томонидан 2023 йил учун тузилган жамиятни ривожлантириш “Бизнес режа” си билан таништириб ушбу “Бизнес режа” конун талабларига мувофиқ жамият кузатув кенгаши томонидан 2022 йилнинг 22 ноябр куни қуриб чиқиб тасдиқланганлиги айтиб акциядорлардан ушбу масала юзасидан қўлларга тарқатилган бюллетенларда ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият бошқаруви томонидан 2023 йил учун тузилган “Бизнес режа” тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дон ақциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 8-масала юзасидан сўзни жамият қимматли қоғозлар мутахасиси Р.Хуруллаев олиб йиғилганларни 2022 йил хужалик-молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича бир нечта аудиторлик ташкилотларидан тижорат тақлифлари келиб тушганлигини айтди ва йиғилганларни келиб тушган тақлифлар билан таништирди. (Аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат тақлифлари илова қилинади).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

2023 йил учун жамият аудитори этиб «Аудит Алфа» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин унинг хизмат ҳақи 8 000 000 (саккиз миллион) қилиб белгилансин

Овоз бериш натижалари:

1. «Аудит Алфа» аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 8 000 000 сўм)

Ёқлаб:- 1376562 дон ақциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

2. «Финанс Аудит» аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 12 000 000 сўм)

Ёқлаб:- йўқ;

Қаршилар:- 1376562 дон ақциялар ёки 100 фоиз;

Бетарафлар:- йўқ.

3. «Аудит Уммон» аудиторлик ташкилоти (хизмат хақи 15 000 000 сўм)

Ёқлаб:- йўқ;

Қаршилар:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 9-масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Абдуолимов сўз олиб, жамиятнинг Андижон шаҳар ҳокимлиги номидан кузатув кенгаши таркибига кирган ва ҳозирда ўрни бўшаб қолган кузатув кенгаши аъзоллигига сайланаётган номзодлар билан йиғилганларни таништирди. Шунингдек у сўзини давом эттириб Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда куммулятив овоз бериш тартибини тушинтирди ва акциядорлардан бу масалада тарқатилган бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларни сўради.

Овоз бериш натижалари:

№	Номзодларнинг Иسمى шарифи	Овозлар сони
1.	Нишанов Шавкатбек Садикжанович – Акциядор вакили	1376562
2.	Нурутдинова Бегойим Арифжоновна – Акциядор вакили	1376562

Кун тартибидаги 10-масалар юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Р.Хуруллаев сўз олиб, жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “ИДРОК” МЧЖ томонидан амалга оширилганлигини айтиб “ИДРОК” МЧЖ томонидан берилган хулоса билан йиғилганларни таништирди.

Муҳокамадордан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1376562 дона акциялар ёки 100 фоиз;


Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Юқоридагиларни инobatга олиб, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб ҳамда санок комиссиясининг ахборотини эшитиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамият бошқарувининг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:
 - 6.1. 384 450 000 сўми ёки соф фойданинг 50 % акциядорларга дивиденд қилиб беришни яъни ҳар бир акцияга 233 сўмдан дивиденд беришга;
 - 6.2. 76 862 000 сўми ёки соф фойдани 10% жамиятда қилинаётган хомийликларга;



6.2. 207 075 940 суми ёки соф фойданинг 27 % жамият ишчи-ҳодимларини рағбарлантиришга (Жамият ишчи ҳодимларини рағбарлантириш бўйича тақсимот бошқарувга юклатилсин) ;

6.4. 61 460 960 сўми ёки соф фойдани 8% жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбарлантиришга;

6.5. 38 413 100 сўми ёки соф фойдани 5% жамият Бошқарув аъзоларини рағбарлантиришга йўналтирилсин. (Жамият бошқарув аъзоларини рағбарлантириш бўйича тақсимот бошқарувга юклатилсин).

7. Жамиятнинг 2023 йил учун тузилган "Бизнес режаси" тасдиқлансин.

8. 2023 йил учун жамият аудитори этиб «Аудит Алфа» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ миқдори 8 000 000 (саккиз миллион) сўм қилиб белгилансин.

9. Жамиятнинг ўрни бўшаб қолган кузатув кенгаши аъзолигига

1. Нишанов Шавкатбек Садикжанович

2. Нурутдинова Бегойим Арифжоновналар сайлансин

10. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

11. Ушбу умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш вазифаси жамият бошқарувга назорати кузатув кенгашига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:



Б.Абдуолимов

Йиғилиш котиби:



Р.Хуруллаев